SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2003-YIL ■ 7-YANVAR ■ SESHANBA ■ 3 (27.023) ■ UZB OVOZI@SARKOR.UZ ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Япония матбуоти Ўзбекистон ҳақида

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти — Сока университети фахрий доктори» сарлавҳаси остида Япониянинг етакчи нашрларидан бири «Сейкё Шимбун» газетасида бош мақола чоп этилди.**

Мазкур газета «Сока Гаккай» номли йирик буддийлар ташкилоти органи бўлиб, у 5 миллиондан зиёд нусхада чоп этилади. Газета ўз саҳифаларида мамлакатимиз тўғрисидаги мақолаларни мунтазам равишда эълон қилиши билан диққатга сазовордир. Хусусан, унда Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий мавқеи, маданияти, санъати, илм-фани, бугунги ҳаёти ҳамда таълим соҳасига оид маълумотлар ва турли фотолавҳалар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Бу галги махсус мақола яқинда Тошкентда бўлиб ўтган муҳим бир воқеага бағишланган.

«Дунё фанини ривожлантиришга, ёшлар таълими ва тарбиясига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Сока университетининг фахрий доктори унвони берилди. Уни Ўзбекистонга ташриф буюрган университет ректори Масами Ваказ тантанали равишда топширди», дейилади мақола муқаддимасида.

«Сейкё Шимбун» мухбири юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли муҳим ўзгаришлар ва ислоҳотларда тўхталар экан, уларнинг жаҳондаги энг нуфузли институтлар томонидан эътироф этилаётганини алоҳида қайд этади. «Мазкур мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида эришилаётган ютуқлар ЮНЕСКО ва шу каби қатор нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда», деб таъкидланади газетада.

Мақола муаллифининг ёзишича, «Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов нафақат ўз халқи орасида катта обрў ва ҳурмат қозонди. У 1994 ва 2002 йилларда Японияга ташриф буюриб, Кунчиқар мамлакатда ҳам катта шуҳратга эга бўлди».

Дарвоқе, ўтган ўн йилдан зиёд давр мобайнида Сока университети олимлари Тошкентдаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида фаолият юритаётган ҳамкасблари билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги археологик изланишларда иштирок этиб келмоқда. Икки мамлакат вакилларининг ушбу ҳамкорликлари ўлароқ Сурхондарё вилоятида бебаҳо археологик топилмалар қазиб олиниб, унинг натижаси Японияда нашр этилган илмий каталогда ўз аксини топди.

Айни пайтда эса мазкур университет республикамиз мутахассислари билан алоқаларни янада кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Япония газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистон Бадиий Академиясининг марказий кўргазмалар залида «Сока Гаккай интернешнл» ташкилоти Президенти Дайсаку Икеданинг «Табиат билан мулоқот» деб номланган фотокўргазмаси бўлиб ўтгани тўғрисида ҳам хабар берилган.

**Б. АЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА,** Токио.

● ЮРТИМИЗНИНГ ГЎЗАЛ ГЎШАЛАРИ



## Чорвоқда яна бир дам олиш маскани ишга тушди

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ — Чимён ҳудудининг экологик муҳитини авайлаб-асраш ҳамда жаҳон андозалари даражасидаги соғломлаштириш масканларини бунёд этишга алоҳида эътибор берилаётир. Ўтган йил мобайнида бу ерда талай бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани қувонарли ҳолдир. Хусусан, Чорвоқ сув омбори соҳили ободонлаштирилиб, автомобиль йўллари кенгайтирилди. Ушбу ҳудуднинг янада файзли бўлиши учун турли манзарали ва мевали дарахт, арча ҳамда гул кўчатлари экилиб, ён-атроф кўкаламзорлаштирилмоқда. Кўплаб оромгоҳлар, сиҳатгоҳлар қуриб фойдаланишга топширилаётир. Бундай дам олиш даргоҳлари ҳудуднинг табиий-экологик ҳолати, рельефини сақлаб қолган ҳолда бунёд этилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Жумладан, «Металлург» пансионати «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг икки юз нафар ишчи ва хизматчиси дам олиши учун мўлжалланган. Металлургларнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаши учун бу ерда барча шароит мавжуд. Спорт майдони, ижара пунктлари, кафе, ресторанлар дам олувчилар ихтиёрида бўлади.

— Ташкилотимиз ушбу пансионат барпо этилишида бош пудратчи ҳисобланади, — дейди «ТошДИЭС қурилиши» қурилиш бошқаруви раҳбари Ғайрат Мираҳмедов. — Бунёдкорлик ишлари ўтган йилнинг ноябрида бошланган эди. Шу кунларда пансионат илк дам олувчиларни қабул қила бошлайди.

Дам олиш масканининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, Р. Азимов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Тошкент шаҳар хокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**





**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

● ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

## Дунёга йўл очаётган маскан

### Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларида Жаҳон тиллари университетининг ҳиссаси хусусида

**Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолаш ҳожати йўқдир.**

**Ислом КАРИМОВ**



Инсон имконияти XX асрда ўзи яратган технологиялар эвазига кенгайди. Шу асрдан бошлаб дунё матбуоти «жаҳон ҳамжамияти» иборасини тез-тез қўллай бошлади. Бир халқ эришган ютуқ бутун инсоният муваффақияти сифатида эътироф этила бошланди. Ер юзининг қайсидир бурчагидаги муаммо ўзининг долзарблиги жиҳатидан глобаллик касб эта бошлади. Эндиликда ҳар бир давлат иқтисоди, халқининг фаровон ҳаёт кечириши, келажагининг истиқболли қирралари жаҳон ҳамжамиятига боғлиқ бўлиб қолди. Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг «Буюк келажак сари» шиорини воқеликка чиқаришда халқаро алоқаларни ривожлантиришдан бошлади. Бу алоқаларни ўзаро тушунувчанлик руҳида, тенг шериклик асосида шакллантириш ўз-ўзидан чет тилларини пухта эгаллаган мутахассисларга бориб тақалади.

Бу эҳтиёжни қондириш йўлидаги илк қадамлардан бири Президентимизнинг 1992 йил 12 майда «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони бўлди. Бундан мақсад, Ўзбекистон фуқаролари жаҳон тилларини эгаллашлари, ўзбек халқини дунёдаги мавжуд умуминсоний қадриятлардан баҳраманд қилиш, жаҳон цивилизациясидан кенг фойдаланишда забоний тўсиқни бартараф этиш, ёш мамлакатимизнинг кенгайиб бораётган халқаро алоқаларини юқори малакали таржимон ва мутахассислар билан таъминлашдан иборат эди.

Мана, Фармон чиққанига ҳам 10 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг 10 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.

Байрамда сўзга чиққанлар университет босиб ўтган тарихий йўл, Президент Фармони ҳамда қўйилган мақсадлар ўтган давр мобайнида қай даражада амалга оширилгани хусусида тўхталдилар.

— Университетда бугунги кунда 23 та хорижий тил ўқитилмоқда. Ўтган ўн йил мобайнида университетнинг салоҳияти ва нуфузи, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш имкониятлари кенгайди, — дейди университет ректори Ғайрат Шоумаров. — Ҳозир университет қошида 20 га яқин хорижий тил марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, талабаларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси 97,3 фоизни ташкил қилди. Бунинг тасдиғи сифатида шуни айтиш ўринлики, кейинги йилларда ёшларнинг чет тилларини ўрганишга бўлган интилишлари кучайиб бормоқда. Бугун университет талабаси диплом оламан деб эмас, чет тилларини чуқур эгаллаган мутахассис бўламан, деган мақсад билан ҳаракат қилмоқда.

Университетда 9 та факультет бўлиб, уларда бугунги кунда 6018 нафар талаба таҳсил олмоқда. 1 млн. 300 мингдан ортиқ китоб фондига эгамиз.

(Давоми 2-бетда.)



ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

## Янги йилнинг умидли, шаҳдам одимлари

Мана, тарих саҳнасига кириб келган Янги — 2003 йилнинг ҳам еттинчи куни бошланди. У мустақил Ўзбекистон ҳудудига **Обод маҳалла йили** бўлиб қадам қўйди. Бу сўз замирида халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизими, тинчлик ва барқарорлик ҳамда фуқаролик жамиятининг асоси — маҳаллаларимиз ўрни мустаҳкам топган, десак янглишмаймиз. Зеро, Президентимизнинг Янги йил табригидаги мана бу сўзларни эслаш ўринли: **«2003 йилни мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганимиз замирида... миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда истиқомат этаётган барча инсонларнинг Ватани — Ўзбекистон деб аталмиш ягона уйимизни янада обод ва фаровон қилиш мақсади мужассам...»**

Байрам шукуҳида ўтган ҳафта давомида нафақат, **Обод маҳалла йили**да эришувимиз ва етишувимиз керак бўлган мақсаду манзилларни, эзгу ниятларни тилак қилдик, балки хайрлашган **Қарияларни қадрлаш йили**да бамисоли дарёдек оқиб ўтган ҳаётимиз ҳамда фаолиятимиз изларига ҳам назар солдик. Қайси орзуларимиз ушалди-ю, қай бири ушалмай қолди? Қайси соҳаларда ижобий силжишларга эришдигу, қай соҳаларда бироз оқсадик?

Юртбошимиз таъбири билан айтганда **«... аввало, барчамизни шу кунларга етказиб, мушкулларимизни осон, йўлимизни равон қилиб, ўз паноҳида сақлаб, асраб келаётгани учун Парвардигоримизга шукроналар айтиш ўринлидир».**

Негаки, республикамиздаги мавжуд 12 мингдан зиёд маҳаллаларда мустақиллик йилларининг ҳар бири сингари мозийга кетган 2002 йилда ҳам тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурди. **«Ўз уйингни ўзинг асра!»** деган огоҳликка даъват билан одамларни ҳаётда бефарқ, лоқайд бўлиб яшамасликка муваффақиятли ундай олдик ва уларнинг онги, тафаккури ҳамда фаоллигини оширишга эришолдик. Айниқса, ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб бало-қазодай бўлиб турган ёвуз куч — халқаро терроризм хатарларини четлаб ўта олдик. Миллий қадриятларимиз — ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, саховат, мурувват каби азалий удумларимиз ва фазилатларимизни кундалик турмуш тарзимизнинг маъно-мазмунига айлантира олдик. Мўътабар кексаларимизни эъзозлаб, уларнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйишда ва ёш, соғлом авлод камоли йўлида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра кўпдан-кўп саъй-ҳаракатлар, савобли ишлар ҳамда интилишларда кўзланган режаларга етишолдик. Халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришнинг деярли ҳамма поғоналарини ижобий ва ижодий изланишлар билан якунлай олдик.

Тўғри, эндигина истиқлолининг ўн иккинчи йилини бошидан кечираётган мамлакатимиз ҳаётида ҳали том маънодаги рўзғор тебратишнинг айрим иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликлари бор. Лекин уларни бартараф этиш йўлида олиб борилаётган ва тобора авж олаётган кенг қамровли ислоҳотлар кутилган натижаларни бераётгани айни ҳақиқат!

(Давоми 2-бетда.)

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «Уч маҳалла илтимоси»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 17 декабрь сонида чоп этилган «Уч маҳалла илтимоси» номли мақолада кўтарилган муаммолардан бири, яъни 115, 105 ва 19-автобус йўналишларини «Ялонғоч» қишлоғигача узайтирилиши юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Аввало, маълумот учун эслатиб ўтмоқчимиз: «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси шаҳар орти йўналишларида хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, истисно тариқасида «Тошвилоятйўловчитранс» концерни ҳамда кўп минг сонли ТашГРЭС фуқароларининг илтимосига биноан 115-автобус йўналиши ТашГРЭС гача, 53-йўналишли такси эса М. Улуғбек маҳалласи фуқароларининг илтимосига биноан «Яланғоч» қишлоғи орқали ТТЗ мавзесигача узайтирилган эди. Бунинг оқибатида, 115-йўналишга фақат Мерседес-Бенц русумли автобуслар, 53-йўналишли такси йўналишига эса «ЎзОтайўл» «Миди» автобуслар бириктирилганлигига қарамай, Тошкент қишлоқ хўжалиги ҳамда педиатрия институтлари талабаларидан, «Обод» ва «Бодомзор» маҳаллалари аҳолиси номидан кўплаб норозилик хатлари, йўналишларни эски жойига қайтариш хусусидаги аризалари ҳанузгача келмоқда. Сабаби, йўналишлар узайтирилгандан сўнг, оралиқ вақти ҳам узайди. Лекин, жадваллар сонини кўпайтиришнинг иложи бўлмади.

Агар 115, 105 ёки 19-автобус йўналишлари «Ялонғоч» қишлоғигача узайтирилса, оралиқ қатнов вақти талаб даражасига жавоб беролмайдиган ҳолга келиши билан бирга, улар шаҳар орти йўналишлари тоифасига ўтказилиб, йўлкира тарифлари ўзгартирилиши тақозо этилади.

Демак, Тошкент шаҳар ҳокимининг 14.02.2000 йилдаги 91-сонли «Йўловчи ташиш транспорти тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантириш мажмуавий дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда, бу йўналишларда ойлик йўл чипталари ўтмайди. Бу эса ўз навбатида ундан фойдаланиб келаётган кўп сонли йўловчиларнинг ҳақли норозилигини келтириб чиқаради.

Ушбу муаммолар маҳалла аҳли билан учрашиб, тушунтирилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтмоқчимизки, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси имкон даражасида масалани ҳал қилган.

**«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари М. МИРҚОСИМОВ**



### Совға

*Шамол эсар эди тўхтамай қирдан,*
*Одам ҳам учарди илдамроқ нурдан.*
*Сизга бир совғам бор дегандим, ажаб,*
*Улар иккиси ҳам тўхтади бирдан!*

**Абдулла ОРИПОВ**
**4 декабрь, 2002 йил**

